Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 10 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ   № 153 (10.962)   Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган давра суҳбати «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини фаоллаштириш» мавзусига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Бинокор» маҳалласида «Мустақиллик — бизнинг байрам» шиори остида «Юлдузлар ташрифи» мавзуида ўтказилган маданий-маърифий тадбир ва концерт дастури туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Зенит заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг сув ҳавзасида 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган тадбир ва сув спорти мусобақаси туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Ҳамид Олимжон номли маданият уйи ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгашида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган «Компьютер саводхонлиги» ўқув курси машғулотида туман маҳаллаларида яшовчи иқтидорли болалар иштирок этишди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида Миробод туманидаги Фурқат, Фитрат, «Сарикўл», «Олтинкўл» маҳаллаларида яшовчи иқтидорли болалар иштирокида «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

●**«ЎЗБЕКТУРИЗМ»** миллий агентлигида уюштирилган тадбир туризм соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги «Файзиобод» маҳалласида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган тадбир Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари ҳамкорлигида уюштирилди.

●**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА** дизайнерлар томонидан тайёрланган миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

МУСТАҚИЛЛИК • INDENPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 16 O'ZBEKISTON

*Қурувчилар куни олдидан*

## ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

**ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ, ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАНГАН СИНФХОНАЛАРДА БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, АЛБАТТА УЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШЛАРИДА, ИЛМ ЧЎҚҚИЛАРИНИ АСТОЙДИЛ ЭГАЛЛАШЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**





Янги ўқув йилида Ҳамза туманидаги 30-мактабда билим олаётган ва мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўқувчилар ана шундай имкониятларга эга бўлади. Бир қисми 1935 ҳамда яна бир биноси 1965 йилда қурилган ушбу билим маскани 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан режага кўра капитал реконструкция қилинмоқда. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишни «KRAMS» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси қурувчилари ўз зиммаларига олган бўлиб, айни қизғин паллада эса сўнгги юмушлар муваффақиятли уддаланмоқда. Энг асосийси эса лойиҳада кўзда тутилган барча ишлар сифатли бажарилмоқда, мактаб кўркини намоён этишга, педагогик жамоа ва ўқувчиларга қулайлик ва шинамлик яратишга, етарли шарт-шароитлар бўлишига катта эътибор қаратиляпти. Бир сўз билан айтганда эса барча ишлар учун 850 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

— Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган билим масканимиз 960 ўринга мўлжалланган бўлиб, янги ўқув йилидан 720 ўғил-қиз илм олмоқда, — дейди мактаб директори Шариф Содиқов. — Уларга 43 нафар малакали педагогларимиз билим беришади. Албатта, мактаб биносининг янги қиёфа касб этиши, лозим даражада жиҳозланиши ва шароитларнинг яратилиши ўқитувчиларимиз ҳамда фарзандларимизнинг кайфиятларини кўтариши, шубҳасиз. Шу боис ҳам барча янги ўқув йилини орзиқиб кутмоқда. Бунёдкорлар капитал реконструкция давомида сантехника юмушларини тўла адо этишди, том қайта ёпилди, эшик ва ромлар алмаштирилди. Шунингдек, 12x24 метрлик янги спорт зали қурилди, химия, физика, биология хоналари, ошхона, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари жиҳоз ҳамда қулайликлари билан ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

«KRAMS» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси раҳбари Низом Мирзаевни қурилиш майдонида жамоа аҳли билан бажарилаётган сўнгги юмушлар муҳокамаси жараёнида учратдик. Унинг таъкидлашича, режадаги ишларнинг 95 фоиздан зиёди адо этилди.

— Қурувчиларимиз орасида жуда кўплаб ўз ҳунарининг усталари меҳнат қилади, — дейди Низом Мирзаев фахр билан. — Шу боис ҳам ўз ишларига масъулият билан ёндошадилар. Кўпгина қурилиш материалларини ўзимизнинг ишлаб чиқариш цехларида тайёрлаганимиз боис ҳам сифатига тўла кафолат берамиз. Пойтахтимиздаги аэропортнинг бунёдкорлик ишларида, Паркентда эса замонавий коллежнинг қад ростлашида катта ҳиссамиз бор ва яхшигина тажрибага эгамиз. Тез, шунинг баробарида соз қуришга интиламиз. Айни долзарб паллада эса касб байрамлари ҳамда Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида жамоамиз бунёдкорлари ишларни янада қизитишган. Шу ўринда Жаҳонгир Ҳожиев, Рамазон Эргашев, Панжи Абдураҳмонов сингари чилангар, бўёқчи, ғишт терувчилар бригадалари сардорларини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, тез кунларда бунёдкорлик ишларини якунлаб, мактаб аҳли ва билимга ташна ўғил-қизларнинг қувончига шерик бўламиз.

Ҳа, педагогик жамоа, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари бу йилги Билимлар кунини қўшалоқ байрам сифатида нишонлашади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримизнинг қурилиш майдонларида.**





## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган шаҳри ва 11 та туман марказида байрамолди савдо ярмаркалари бошланди. Уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ўқув қуролларига бўлган талабни қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ярмаркалар 3 сентябргача қадар ўз ишини давом эттиради.**

**● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Милан — Тошкент йўналиши бўйича доимий йўловчи рейсларини амалга ошира бошлади. Рейслар ҳафтасига икки марта — душанба кунлари «Боинг-757», жумада эса «А-310» самолётларида бажарилмоқда.**

**● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Кўрғонтепанинг Чимён қишлоғида 200 ўринли тантаналар саройи, 60 ўринли кафе, мини-маркет, нонвойхона бинолари ўз эшикларини очди. Янги объектларнинг иш бошлаши туфайли ушбу ҳудудда истиқомат қилувчилардан 50 нафарга яқини ишли бўлди.**

**● Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мажмуасида уюштирилган тадбирда ғалла ва пилла етиштиришда яхши натижаларга эришган деҳқонлар, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ходимлари қатнашди. Тадбирда вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар иккала соҳада юқори кўрсаткичга эришган фермер хўжаликлари раислари, механизаторлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларига аравачали мотоцикллар ҳамда «Сино» корхонасининг замонавий музлатгичлари топширилди.**

**●Шофиркондаги «Асил Анвар» агрофирмасида полиэтилен ишлаб чиқариш кичик цехи иш бошлади. Россия технологияси билан жиҳозланган цех бир кунда 1200 килограммгача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.**

**● Гурлан туманидаги «Полвонобод» фермер хўжалиги раҳбари Жалолиддин Собиров туман марказида замонавий бозор қуришни бошлаб юборди. Бунинг учун банкдан 180 миллион сўм кредит олди. Ёзги савдо расталари 1000, қишки павильонлари эса 110 ўриндан иборат бўладиган объектда ҳозиргача қурувчилар томонидан 600 миллион сўмлик иш бажарилди.**

**● Мамлакатимиздаги йирик уяли алоқа хизматларидан бири — «МТС-Ўзбекистон» абонентлари сони 2 миллиондан ошди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Афғонистон пойтахти Кобулда Покистон ва Афғонистон оқсоқоллари етакчилари иштирокидаги йиғин — Жирға ўз ишини бошлади. Унда ушбу минтақада тинчликни сақлаш йўллари кўриб чиқилмоқда, хусусан Толибонларга гаровга олинган Жанубий кореялик аёлларни озод қилиш юзасидан мурожаат қилинди.**

**● Кеча Германиянинг Берлин ва Гамбург шаҳарларида поезд машинистлари бир кунлик иш ташладилар.**

**● Покистон Президенти Парвез Мушарраф мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишни режалаштирмоқда. Маълумотларга кўра, бунинг асосий сабаблари — мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларида Толибон ҳаракати ва «Ал-Қоида» фаоллигининг ошиб бораётганлигидир.**

**●Япониянинг жанубий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 баллик зилзила рўй берди. Бундай табиий офат Индонезия ҳамда Тайванни ҳам четлаб ўтмади. Ҳозиргача жабр кўрганлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.**

**● Кеча Россиянинг Алексей Маришев номли йўловчи кемасига Норвегияда айсбергдан улкан муз парчаси узилиб тушиши натижасида 18 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Уларнинг уч нафари оғир аҳволда.**

**● Беларусь ҳукумати жорий йилнинг биринчи ярмида етказиб берилган газ учун Россиянинг «Газпром» компанияси олдидаги 460 миллион долларлик қарзларини тўлалигича тўлади.**

**● Мамлакат нефть вазири Ҳусайн Шахристонийнинг журналистларга берган интервьюсида таъкидланишича, Саддам Ҳусайн даврида нефть компаниялари билан тузилган шартномалар қайтадан кўриб чиқилади ва улар Ироқнинг янги қонунчилигига мослаштирилади. Вазир Ироқ учун манфаатли таклифлар билдирган компаниялар билан ҳамкорлик қилинишини билдирди.**

**● Хитой Индонезиядан кириб келувчи барча турдаги денгиз маҳсулотлари импортини таъқиқлади. Бунга маҳсулот намуналарида хавфли кимёвий моддалар ва турли касалликларни қўзғатувчи бирикмалар топилганлиги сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, қабул қилиб олинган барча денгиз маҳсулотлари Индонезияга қайтарилади ёки йўқ қилинади.**

**● Швейцарияда икки кундан бери тинмай ёғаётган ёмғирлар кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Шу муносабат билан Базелда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бир қанча фуқаролар хавфсиз жойларга кўчирилди. Кучли ёмғирлар шунингдек, Германия ва Италиянинг маълум ҳудудларига ҳам катта хавф туғдирмоқда.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 11 август куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ: ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ" МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДАН КЕЛГАН МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ, ОЛИМЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

## ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва ривожлантиришга ҳамда шу асосда ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ масканларни таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда табаррук зиёратгоҳларга айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Қадимий Тошкентнинг қиёфаси истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ислом маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасидаги кенг кўламли ишларда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳазрати Имом мажмуасида олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бунинг яна бир исботидир. Бугун Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси ва бошқа бетакрор иморатлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта taассурот қолдирмоқда.

Тадбирда асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳилликда яшаб келаётган юртимиз ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган мамлакат эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу боис Ўзбекистон ҳудудида неча асрлар мобайнида яратилган буюк маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотаётир. Айни пайтда инсонийлик, меҳр-оқибат, диёнат, ҳалоллик каби олижаноб ғояларга ундовчи ислом динининг асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тадбир қатнашчилари Ҳазрати Имом ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



**ҲУНАРМАНД-УСТА, МИНИАТЮРАЧИ РАССОМ АЗИМЖОН АЛИБЕКОВНИНГ НОМИ БУГУНГИ КУНДА КЎПЧИЛИККА ЯХШИ ТАНИШ. БОИСИ У ЎЗИНИНГ НАФИС ВА БЕТАКРОР САНЪАТ АСАРЛАРИ БИЛАН НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗДА, БАЛКИ ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ КЎРГАЗМАЛАРДА ҲАМ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНМОҚДА.**

*Ҳунармандчилик*

# БЕТАКРОР АСАРЛАР СОҲИБИ

Болалигидан санъатга меҳр қўйган Азимжон устозлари Жалолиддин Ашрапов, Жамшид Сайдалиевдан сабоқ олди. Уларнинг панду насиҳатлари, тажриба ва ўгитлари ҳамда ўз соҳаси бўйича республика рассомчилик коллежи, ундан сўнг Камоллидин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтидаги олган билимлари Азимжон учун катта тажриба мактаби бўлди. Миниатюрачи рассомнинг «Буюк Ипак йўли», «Карвон», «Қизлар базми», «Ибн Сино» ва бошқа кўплаб асарлари билан танишар экансиз, унинг маҳоратига қойил қоласиз. У ўзининг бетакрор асарлари билан Францияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларида, Японияда бўлиб ўтган «Экспо—2005» халқаро кўргазмасида ва бошқа халқаро тадбирларда хорижликларнинг ҳам эътиборини қозониб келмоқда. Шуниси эътиборлики, ҳунарманд рассом яратган жуда кўплаб асарлар мамлакатимиздаги муҳташам биноларга кўрк бағишламоқда.

Ҳозирда Азимжон «Мўъжаз санъат» студиясига раҳбарлик қилиб, Меҳрибонлик уйларининг 80 нафар болаларига ҳунар сирларини эринмай ўргатмоқда, уларни миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни эъзозлашга, ўз асарларида ана шуларга эътибор қаратишга ундамоқда.

Келгусида ўзининг шахсий кўргазмасини очишни ният қилган Азимжон Алибеков мамлакатимизда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг пойтахт босқичида катта муваффақият қозониб 1-ўринни қўлга киритди. «Энг яхши ҳунарманд» танловининг республика босқичида эса 3-ўрин соҳиби бўлди. Албатта, ушбу ютуқлар ёш ва истеъдодли миниатюра санъати устасини янги-янги изланишларга ундамоқда. Ҳозирда у янги асарлар устида ишламоқда. Мақсади эса халқ амалий ҳунармандчилигининг миниатюра санъатини ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик ютуқларидан жаҳон аҳлини баҳраманд этишдир.

**Нозима АКРОМОВА**

**СУРАТДА: ҳунарманд Азимжон Алибеков устози Жамшид Сайдалиев билан янги асарини муҳокама қилмоқда**

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ" МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ, РЕСПУБЛИКА "МАҲАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Анжуманда Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари, олимлар, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар.

Ижтимоий ҳимоя йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайиб, Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимидаги мутахассислар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёши улуғ, ёлғиз, тиббий кўмакка муҳтож кишилар, эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мазкур йўналишдаги ишларнинг бари жамиятимиздаги эзгулик, бағрикенглик, саховат, тинчлик ва осойишталик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани анжуманда алоҳида таъкидланди.

Республика Маънавият тарғибот марказида ташкил этилган тарғибот бўлимлари ҳамда гуруҳлари давлатимиз сиёсати устувор йўналишларининг мазмун-моҳияти билан халқимиз, шу жумладан ёшларни таништириш, аҳолининг барча қатламлари орасида ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан амалий ишларни бажармоқда.

Анжуманда ушбу йўналишда турли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, зиёлилар, олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида тушунтириш ишларини изчил олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Туманларда*

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШ, УНИНГ НУФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Куни кеча Ҳамза тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда айни шу масалалар борасида фикр юритилди. Тадбирда туман ҳокимлиги мутасаддилари, бўлим, бошқарма, маъмурий органлар раҳбарлари, мактаб директорлари, тиббиёт муассасалари бош шифокорлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни Ҳамза тумани ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров очар экан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилишининг афзалликлари ҳақида алоҳида тўхталиб, бу борадаги меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш бугунги куннинг масъулиятли вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратди.

Сўнг Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Комилжон Юсупов, Тошкент шаҳар прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори Абдулла Исмоиловларнинг мазкур мавзулар доирасидаги маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишига доир қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз қонунчилигида янгича йўналиш ҳисобланади. Шу боис мазкур қонунлар моҳиятини кенг халқ оммасига етказишда давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббус кўрсатишлари даркор.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

# КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Унда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижалар ҳақида ҳикоя қилувчи сиёсий, иқтисодий, илмий адабиётлар, даврий нашрлар, плакатларга кенг ўрин берилган. Бу ерда, шунингдек, ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, ёшлар камолоти йўлидаги эзгу юмушлар кўлами, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеига бағишланган ранг-баранг фотосуратлар ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг алоҳида бўлимлари "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" ҳамда "Самарқанд — рўйи замин сайқали — 2750 ёшда" мавзуларига бағишланган. Унда буюк аллома аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ масканларни обод этиш, уларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этишга оид адабиётлар, рисолалар, буклетлар, фотосуратлар ва бошқа материаллар билан танишиш мумкин.

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз муносабати билан Миллий кутубхонада ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакиллари, машҳур ёзувчи ва шоирлар, олимлар, спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, "Китобхонлик ҳафталиги", викториналар, интеллектуал беллашувлар ташкил этилмоқда.

**(ЎзА)**

# «BISNES САР» ТУРНИРИНИНГ ИЛК ҒОЛИБИ

**ПОЙТАХТДАГИ МЕТРО-ҚУРУВЧИ СТАДИОНИДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ИЛК БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «BISNES САР» ТУРНИРИДА ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОР ЖАМОАЛАР НОМИ АНИҚЛАНДИ.**

Фаолият кўрсатаётган кўплаб фирма ва компанияларнинг ҳаваскор спортчилари ўртасида ўтказилаётган футбол турнирида ўн иккита жамоа иштирок этди. Барча учрашувларни ўз фойдаларига ҳал қилиб келаётган Марказий банк ҳамда Алаказой жамоасининг футболчилари финалда ўзаро рўбарў келди. Кундалик эҳтиёж юзасидан тез-тез учрашиб турадиган бу соҳа ходимларининг майдондаги ҳаракатини кузатиш албатта мухлислар учун ҳам қизиқарли бўлди. Барча ўйинда рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратган банкчиларнинг финалдаги иштирокини кўпчилик кутган эди. Иккинчи финалчи "Алаказой" жамоаси ўрнида эса бир қанча етакчи жамоалар тахмин қилинган эди. Тенг курашлар остида бошланган турнирнинг финал учрашувида ҳар икки жамоа аъзолари ғалаба учун астойдил ҳаракат қилди. "Алаказой" жамоаси мини футболчилари шиддатли ҳужумлар уюштириб ғолибликни қўлга киритишди.

Мамлакатимизда биринчи бор ташкил этилган «Bisnes сар» турнири ғолиблигини "Алаказой" савдо ходимлари футболчилари қўлга киритишди, иккинчи ўрин эса Марказий банк футболчиларига насиб этди. Учинчи ўринга Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги вакилларидан иборат ҳаваскор футболчилар муносиб топилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АМАЛИЙ СЕМИНАР БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИ МАЗКУР ИНСТИТУТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР УЧУН ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРГА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР, ТЕГИШЛИ МУАССАСАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМЛАР, ЎҚИТУВЧИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги С.Жўраев, Тошкент Давлат юридик институтининг биринчи проректори Д.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни янгилаш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар — суд жараёни, том маънодаги мустақил, эркин суд тизимини яратиш, жиноий жазони либераллаштиришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Тобора такомиллашиб бораётган ушбу жараён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Уч кун давом этадиган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад соҳа вакиллари, айниқса, ёш мутахассисларнинг касбий билимини, тажриба ва малакасини оширишдан иборатдир. Семинарнинг дастлабки кунида жамиятни янгилаш ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган долзарб вазифалар, ислоҳотлар жараёнида ушбу органларнинг масъулиятини янада ошириш, фуқаролик ишларида прокурор иштироки каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Сўлим оромгоҳларда*

# БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

**ШАҲАР МАРКАЗИНИНГ САЛҚИН ЖОЙЛАРИДАН БИРИГА ЖОЙЛАШГАН «СУВСОЗ" ДУК ТАСАРРУФИДАГИ "ЗИЛОЛА" БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИДА МЕҲНАТКАШЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИНГ МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШИ, СОҒЛИҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ, МАЪРИФИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР, ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҲАММА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.**

Оромгоҳда Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"-ги 2006 йил 25 августдаги Қарорининг ижросини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу қарорда Ватан мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш йўл- йўриқлари аниқ баён этилган.

"Зилола" болалар соғломлаштириш оромгоҳида Қарор ижросини амалга ошириш, болаларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида қатор маънавий-маърифий ҳамда дам олиш тадбирлари ўтказилади. Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад болаларнинг мароқли дам олишларидан ташқари маънавий-маърифий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий онгларини бойитиш ҳамда ушбу тадбирлар орқали Ватанга бўлган муҳаббат, инсонпарварлик ҳамда миллий ғурур туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Ҳар бир гуруҳга тарбиячи ва етакчиларни танлаш вақтида уларнинг маданий билим савияси ҳамда ташкилотчилик қобилиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мавсум бошида оромгоҳ бошлиғи, бош тарбиячи, бош етакчи, барча гуруҳ тарбиячи ҳамда етакчилари билан маслаҳатлашган ҳолда иш режаси тузилган ва тасдиқланган. Ушбу режага асосланган ҳолда мавсум давомида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу тадбирлар орасида айниқса "Оромгоҳ маликаси ва жаноби", "Биз истеъдодларни излаймиз", "Қувноқ экспресс", "Робинзон сўқмоқлари", "Ҳиндулар қабиласи", "Эртаклар яхшиликка етаклар» каби танловлар дам олувчи болаларда катта қизиқиш уйғотди.

Улар болаларнинг мароқли дам олишлари билан бир қаторда ўз билим ва савияларини ҳам оширишга хизмат қилади. Жумладан."Ёз тарихингни биласанми?", "Буюк Ипак йўли","Мен нечун севаман Ўзбекистонни,"Донолар беллашуви", "Ўзбекистоним-Ватаним маним" каби викториналар болаларда ватан тарихига бўлган ҳурмат, аждодларининг хотирасини улуғлаш ҳамда миллий ғурур туйғуларини уйғотса, "Кўча ҳаракати қоидаларини биласизми?", "Ёш қаламкашлар беллашуви", "Нима? Қачон? Қаерда?" каби тадбирлар ҳар бир болани ўз устида шуғулланиб, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Ҳар бир гуруҳнинг иш режаси мавжуд бўлиб, режа асосида гуруҳ етакчилари томонидан "Гуруҳ соати"да қатор маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган суҳбатлар ўтказилди.

Оромгоҳда спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, оромгоҳ спартакиадаси юқори савияда ташкил этилиб, спортнинг қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланмоқдалар.

Мавсум бошида "Салом, жонажон оромгоҳ", мавсум якунида эса "Хайр, ёзги эртагим" номли тадбирлар эртаклаштирилган саҳна асосида ҳамда болалар томонидан тайёрланган чиқишлар билан бойитилган бўлиб, тадбирга йиғилган ота-оналар ва меҳмонларда илиқ таассурот қолдирмоқда.

Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тошкент ҳайвонот боғи, Тошкент телеминораси ҳамда Ботаника боғларига уюштирилган экскурсиялар болаларнинг дам олишларини янада мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

**Қобил РИЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси**

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур...**

# МАШРИҚЗАМИН – ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## *Аҳмад Югнакий*

**ҲИКМАТЛАР**

**Ҳарис дунё йиғиб чарчамас бўлур,**
**Ҳарислик дардига даво ким билур?**
**Даромад хабари берилса кимга,**
**Икки қўл динорни у ўн қўл қилур.**

* * *

**Дунёга ҳирс қўйган, эй ҳарис юрак,**
**Айт-чи, бу ҳарислик нимага керак?**
**Ризқинг белгиликдир-озми ёки кўп,**
**У зарра кўпаймас, бўлма жонҳалак.**

* * *

**Асли тоза эрнинг феъли кўрклик ул,**
**Бундай гўзал хулққа кўнгил эрклик у**
**Бир эрдан бир эрнинг тафовути кўп,**
**Буни кўрмас эрга лекин берклик ул.**

* * *

**Мусулмонга мушфиқ бўлиб, меҳриб,**
**Ўзинг кабиларни сана мусулмон.**
**Жафо қилувчига вафо жавоб қил,**
**Қонни қон билан минг ювса, кетмасн.**

* * *

**Яроғлик ошингни кишига едир,**
**Топсанг, яланғочнинг эгнини битир.**
**Зинҳор бировларга зулм-зўрлик қила**
**Бошига иш тушганларга мадад бер**

* * *

**Ёмонлик қилганга сен яхшилик қил,**
**Мурувватнинг боши шудир—яхши бі**
**Агар биров сенга қилса яхшилик,**
**Унинг дуосидан тўхтамасин тил.**

* * *

**Гуноҳкор кишининг гуноҳин кечир,**
**Адоват илдизин тозидан кўчир.**
**Ғазаб ўти агар олса аланга,**
**Ҳалимлик сувин соч-ул ўтни ўчир.**

* * *

**Шодликка йўй бало келса, сабр эті**
**Шодлик келишига кўз тут қон ютиб.**
**Учар кулфат ўти -кечар навбати,**
**Қолар сабр қилган савобни тутиб.**

* * *

**Улуғликка етсанг, янглишма ўзинг,**
**Атлас кийганингда унутма бўзинг,**
**Феълингни яхшилаб улуғларга хос,**
**Каттаю кичикка юмшоқ қил сўзинг.**

* * *

**Сўзни билиб сўзла, шошиб сўзлама**
**Бўлмағур сўз айтиб, кейин бўзлама.**
**Дўстинг мингта бўлса, кўп кўрма си**
**Душман битта бўлса, уни оз дема.**

* * *

**Тадбирли киши ҳам гоҳ хато қилар,**
**Моҳир устада ҳам бирор айб бўлар.**
**Бир айб учун одам боши кесилса,**
**Дунё бошдан-оёқ одамсиз қолар.**

* * *

**Яша одамларнинг кўнглини олиб,**
**Ёмон одатларни орқага солиб.**
**Бир иш қилар экан, ўйлаб қил, унин**
**Керакли ё кераксизлигин билиб.**

* * *

**Сенга тўғри келса қай ишни қилмоқ**
**Яхшидир унинг олд-ортини билмоқ.**
**Агар хайрлидир дил берса арзир,**
**Агар ўкинчлидир лозим қутулмоқ.**

* * *

**Яхшининг қўлидан ёмонлик келмас**
**Ёмон ҳеч яхшининг қадрини билмас**
**Эй ёмонлик қилиб, яхшилик кутган,**
**Ким тикан изласа, у узум юлмас.**

* * *

**Дўсти яхши ўзи ҳам яхши бўлар,**
**Яхши дўстдан доим яхшилик келар.**
**Ёмонга қўшилма, ёмон суҳбати**
**Сени ҳам ёмонлик йўлига солар.**

* * *

**Мажоз бўлди дўстлик—ҳақиқат қани**
**Минг дўст ичра йўқ бир ҳақ йўл тутгі**
**Кўпчилик кишининг ичи қорадир,**
**Кўпларнинг дўстлиги юзаки, яъни.**

* * *

**Бу кун инсонийлик дунёда азиз,**
**Инсоний хислатлар йўқ бўлди, эсиз**
**Қуриб битди буткул вафо чашмаси,**
**Жафо тўлиб-тошди мисоли денгиз.**

* * *

**Қани аҳдга вафо, қани эзгулик?**
**Адолат келгунча хайр кетгулик.**
**Боши кетса хайрнинг, сўнгги ҳам кер,**
**Олди келса хайрнинг, орти келгулиі**

* * *

**Дунё тўлди жабру жафо, зулм ила,**
**Қани бир вафоли—бор бўлса, тила.**
**Золимнинг зулмидан дунё бузилди,**
**Золим не қиларди дунёга кела?...**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрган**

